Биография

Аҳмад Ишаев



Аҳмад ака бизнинг элдошимиз эди. Болалигимиздаёқ у ҳақда турли ибратомуз гаплар эшитганмиз. Жумладан, у ўзи ўқиган Манғит туманидаги Стрелков номидаги ўрта мактабни кумуш медаль билан битказган биринчи ўқувчи эканлигини айтишарди. Бу 1947 йилда бўлган экан. Кейинчалик Хоразм давлат педагогика институтини имтиёзли диплом билан тамомлагани (1951) ҳақида гапириб беришган. Туманимиздан биринчилардан бўлиб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти аспирантурасига кирган ва В.В.Решетовга шогирд тушган инсон ҳам Аҳмад ака эди. Кейинчалик у Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига ишга кириб, катта обрў қозонганини бизга уқтиришар эдилар. Ҳали ҳамон эсимда, Аҳмад ака таътилга келганларида, элимизда у кишини ҳар куни навбат билан меҳмонга чақиришарди. Шу даврдаги ўқувчи болалар бўлган биз эса кўзойнак таққан бу сирли одамни узоқдан туриб томоша қилар эдик. Ҳозир ўйлаб қоламан. Эҳтимол, кейинчалик Манғит туманидан чиққан ўнлаб фан докторлари, профессорлар, академиклар, элликка яқин фан номзодлари Аҳмад Ишаевга ҳавас қилиб илм-фан йўлини танлаган бўлса, ажаб эмас. Устоз институтни тамомлагач, бир муддат ўзи ўқиган мактабда ўқитувчилик қилган, илмий бўлим мудири, кейинчалик туман маориф бўлими нозири (инспектори) вазифаларида ишлаган. Шу боис у ўқитувчилар орасида анча машҳур бўлган.

Аҳмад ака жуда камтар, меҳрибон ва самимий инсон эди. У Тошкентда ижарада турадиган мўъжазгина хона кўпинча талабалар, аспирантлар учун энг севимли маскан эди. Айниқса, вилоятлардан хизмат сафари билан келган танишлар меҳмонхона муаммосига учраса (у пайтлар бу ҳақиқий муаммо эди), устознинг хонадонидан паноҳ топишар эди.

Биография



Аҳмад Ишаев ўзбек тилшунослигининг ўтган аср 70-йилларидаги забардаст ва сермаҳсул вакилларидан бири эди. А.Ҳожиев, Ш.Шукуров, Х.Дониёров, Э.Бегматов, И.Қўчқортоев, Р.Қўнғуров, Х.Абдураҳмонов, И.Расулов, М.Мукаррамов, Қ.Муҳаммаджонов, Р.Дониёров, Ҳ.Неъматов, Э.Фозилов каби ўнлаб олимларнинг илмий изланишлари ўз йўналишларида эътиборга лойиқ эди. Айниқса, бу йилларда тил тарихи ва диалектология соҳаларида салмоқли ишлар амалга оширилди. Кўплаб қўлёзма асарларни ўрганиш, шунингдек, ўзбек шевалари луғати ва атласини яратиш бўйича қизғин ишлар олиб борилди. Айрим муаммоларга янгича қарашлар, уларнинг ўзгача ечимлари пайдо бўлди. Худди шу даврда Аҳмад Ишаевнинг “Профессор Е.Д.Поливановнинг бир фикри ҳақида” (1966) номли мақоласи нашр қилинди. Маълумки, Е.Д. Поливанов бир асарида: «Шимолий Хоразм (қипчоқ) группасини унинг қозоқ тили билан симбиоз сабабларига кўра “қозоқлашган”, деб айтишимиз мумкин», деб ёзган. Бу фикрни кейинчалик бошқа асарларида ҳам “Шимолий Хоразм ёки ”қозоқлашган”, “Соф ўзбек” группаси тарзида қайта-қайта таъкидлаган эди (“Говор кишлака Кият-Конгират Шаватского района”, “Материалы по грамматике узбекского языка”, 1935, С.22). Аҳмад Ишаев олимнинг ушбу фикрига эътироз билдирган ва унинг нотўғри эканлигини мазкур шева ва қозоқ тили материалларини қиёслаш орқали асослаб берган эди.

Биография



Ўша даврдаги бир воқеа ҳали-ҳамон эсимда. У пайтлар Тил ва адабиёт институтининг диалектология сектори анча гавжум бўлар, кўпчилик ходимлар бу хонага йиғилишиб турар, Шоназар Шоабдураҳмонов домла билан кўпгина масалаларда маслаҳатлашиб туришарди. Шундай кунларнинг бирида Аҳмад ака тажанг ҳолатда кириб келди ва “Мени Жирмунский танқид қилибди” деб қолди. Ҳамма ҳайрон, кимдир тасалли беришга ҳаракат қилар, кимдир “Ҳа, энди бу илм-да” деб қўярди. Шу пайт хонага кириб келган профессор Фаттоҳ Абдуллаев бу воқеадан хабар топди-ю, Аҳмад акага юзланди: “Эҳ, содда Аҳмад, бунинг нимасига хафа бўласан? Жирмунскийдек одам сенинг ишингни ўқигани учун хурсанд бўлишинг керак-ку!” деб қолди. Орадан анча вақт ўтгач, Аҳмад ака бу воқеани фахр билан гапириб берарди. Аслида воқеа шундай бўлган экан. У пайтдаги ОАК таклифига кўра В.М.Жирмунский ҳимоя қилинган диссертациялар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирган. Шунда у А.Ишаевнинг “Манғит шевасининг фонетик хусусиятлари” мавзуида ёзилган диссертациясидаги “Манғит шеваси” терминига эътироз билдирган. В.М.Жирмунский ҳар бир уруғ ўз тилига эга эмас, шунинг учун Манғит шеваси ҳақидаги фикрни ўйлаб кўриш лозимлигини ёзган ва шу жиҳатдан у ҳақ эди. Аммо Аҳмад Ишаев Манғит уруғи, яъни этник гуруҳ ҳақида эмас, балки Манғитни ҳудудий-маъмурий бирлик, туман номи сифатида қўллаган эди.

Биография



Аҳмад ака илмда майда ва арзимас нарсалар бўлмайди, деган ақидага сўзсиз риоя қиларди. Ўз шогирдлари ва ўзгалардан ҳам шуни талаб қиларди. У бирор фикрни айтишдан олдин муаммога оид барча қарашларни солиштирар ва уларни асословчи материаллар билан чоғиштириб кўрар эди. У ўнлаб тиллар ва шевалар фактларига мурожаат қилар ва ўрганилаётган масаланинг илдизига етарди. Бунга унинг "Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари" (1977) номли фундаментал асари ёрқин мисолдир. Монографияда Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларининг фонетик хусусиятлари, лексикаси, морфологик бирликлари қипчоқ гуруҳига кирувчи деярли барча туркий тиллар билан қиёсланган, уларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари очиб берилганки, бу ушбу тилларнинг ва ўзбек шевалари вакилларининг тарихий алоқалари ҳақида маълум хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Унинг "Ғарбий Сибирда ўзбек шевалари борми?" (1968), "Ўзбек шеваларидаги қариндошлик терминлари" (1971), "Ўзбек шеваларида метрологик сўзлар" (1966), "-моқ аффиксининг этимологияси" (1975) каби салмоқли асарлари олимнинг нақадар изланувчан ва тил тараққиётини руҳан ҳис қиладиган олим эканлигини намоён этди. У гўёки ўтган асрнинг 70-йиллардаёқ тилнинг антропоцентрик хусусиятини, табиатини теран англагандек эди.

Айниқса, олимнинг "–моқ аффиксининг этимологияси" мақоласида ўша давр учун ўта дадил фикр, яъни туркий тилларнинг ҳинд-европа тиллари билан алоқаси ҳақидаги ғоя илгари сурилади. Бу ғоя унинг илк мақолаларидан бири "Из лексики узбекских говоров Каракалпакии" (1965) дан бошланган эди. У ўзбек шевалари, хусусан, Хоразм шевалари лексикасида ҳозир ўлик тиллардан бири бўлган қадимги хоразмий тили элементлари сақланганлиги ва бу бирликлар ҳозирги кунда туркий адаптацияга учраганлиги, уларни реконструкция қилиш учун ҳозирги шевалар лексикаси ҳамда халқ оғзаки ижоди материалларини чуқурроқ тадқиқ қилиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Биография



Аҳмад Ишаев ижодий фаолиятининг кейинги йилларида этимологик изланишлар алоҳида ўрин эгаллайди. “Этимологик кузатишлар” (1972), “Игорь жангномасидаги икки сўз этимологияси” (1976), “Чамбил сўзининг этимологияси” (1978) каби кўплаб асарлари олимнинг бу соҳадаги юксак салоҳиятини кўрсатади. У бундай мақолаларида туркий тиллар материалларини туркий бўлмаган тиллар билан чоғиштириш йўлидан бордики, бу ўзбек диалектологиясида шу давр учун янги типологик услуб эди.

Аҳмад Ишаев халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан, достонлар тилига оид бир қатор қизиқарли, эътиборга молик асарлар ёзди. “Халқ достонлари лексикасидан” (1967), “Халқ достонлари лексикасига оид кузатишлар” (1970) “Достонлар тилининг баъзи хусусиятлари” (1971), “Халқ достонлари тилига оид этюдлар“ (1978) каби тадқиқотлари ва уларда илгари сурилган илмий ғоялар ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Олим халқ тилида унинг руҳи, дунёқарашлари, маданияти ва, умуман, ҳаёти акс этишини ҳис қилган, шунинг учун ҳам бу асарлар кўпчиликка тушунарли ва яқиндир.

Биография



Аҳмад Ишаев бутун умрини ўзи севган соҳа – тилшунослик илмига бағишлади. Бу соҳани тадқиқ этишдан ва тарғиб қилишдан чарчамади. У ўзи билган ва англаган барча фикрларни нашр қилдиришга, кўпчилик билан ўртоқлашишга ҳаракат қилди. У ўз асарларини йирик мамлакат кўламидаги нашрлардан то оддий туман газеталарида бостиришдан ор қилмас эди. Энг муҳими, мақола қайси нашрда чоп этилмасин, энг юқори савияда, оригинал, замон талаблари даражасида бўларди. Назаримда, биз ҳозир тилшунослик журналистикаси деб атаётган соҳа Аҳмад ака замонидан бошланганга ўхшайди. У ўзи ҳаётлигида, бир суҳбатимизда: «Чоп қилинган мақолаларим уч юздан ошди», деган эди. Биз, шогирдлар, ушбу дурдоналарни тўплаб, китоб ҳолида нашр қилишга қарздормиз, деб ўйлайман.

Гарчи Аҳмад ака расмий жиҳатдан илмий раҳбар бўлган тадқиқотчилар кўпчиликни ташкил қилмаса ҳам, республикамизнинг ҳамма вилоятларида, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон каби мамлакатларда уни устоз деб биладиган ўнлаб шогирдлари бор. Уларнинг кўпчилиги ўз ҳаётининг муаммоларига ёки илм йўлидаги қийинчиликларига устоз кўмагида ечим топган ва умри давомида устозга нисбатан миннатдорлик ҳисси билан яшаган бўлса, эҳтимол.

Аҳмад Ишаев гарчи узоқ Бошқирдистон Республикасининг Мияка қишлоғида таваллуд топган бўлса ҳам, бутун ҳаётини ўзбек тили ва унинг шеваларини ўрганишга бағишлади. Бутун умри давомида ўзи ўсиб камол топган Манғит элини севиб, унга меҳру муҳаббатини намоён қилиб яшади, шу элнинг муаллимига айланди. Буни у ўзининг ўлмас тадқиқотлари билан исботлади. Ҳақли равишда шу юрт одамлари ҳурматини қозонди ва шу элнинг суюкли фарзанди сифатида танилди.